


I2-I9
04.01.II#.



“Тасдиқлайман”
Хоразм вилояти ҳокими


2011 йил “4” январь

Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи

Н И З О М И

1. Умумий қондалар.

Вилоят ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи вилоят ҳокими маҳкамасининг мустақил гуруҳи бўлиб, бевосита вилоят ҳокими раҳбарлигида фаолият олиб боради.

Гуруҳ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Республика Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимининг қарорлари ва фармойишлари асосида иш олиб боради;

- гуруҳ ҳокимликлар, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва меҳнат жамоаларини ҳуқуқий давлат барпо қилишда, ҳуқуқий ислохотни амалга оширишда вилоят ҳудудида қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, такомиллаштиришдаги фаолиятни кучайтиришга жалб қилади;

- вилоятда амалга оширилаётган ҳуқуқий жараёнларни ўрганиш, уларни ривожланишини умумлаштириш ва хулоса қилиш, ҳокимликлар, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари иш услубини яхшилаш борасида таклифлар киритади;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришларини мувофиқлаштириш, уларнинг жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги иш фаолиятларини яхшилашга доир масалаларни вилоят ҳокими олдида қўяди;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятларини яхшилаш, моддий ва техникавий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги республика Президенти ва Ҳукумати қарорларини бажарилишини назорат қилади;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига қонун устиворлигини таъминлашда ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

- фуқароларнинг таклиф ва истакларини, ариза-шикоятларини ҳокимлик аппаратида кўриб чиқишни ташкил қилади;

2. Гуруҳнинг асосий вазифалари.

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини амалга оширади.

- халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қонунчилик, ҳуқуқ тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш комиссиясига ҳуқуқий ёрдам кўрсатади.

- ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари гуруҳи билан Ҳоким номенклатурасига киритилган кадрларни жой-жойига қўйишда уларнинг сиёсий, ахлоқий ва ишончлик қобилиятини ўрганиб, ўз фикрини беради, кадрлар резервини ҳисобга олиб улар билан ишлашни назорат қилади.

- ҳоким номенклатурасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари раҳбарларининг ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришдаги масъулиятини ошириш бўйича тадбирлар белгилайди ва уларнинг ҳисоботини эшитади.

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг вилоятда жиноятчиликка қарши кураш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳаларидаги фаолиятларини ўрганиб, вилоят ҳокимга таклифлар киритади.

- ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш масалалари бўйича тадбирлар ишлаб чиқади.

- ҳокимлик ҳузуридаги доимий комиссиялар ишини ташкил қилади.

- вилоят ҳокимига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларини фахрий ёрлиқ ва давлат мукофотлариги тақдим қилишда таклиф киритади.

3. Гуруҳнинг асосий ҳуқуқлари:

- шаҳар, туманлар ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ташкилот раҳбарларидан ҳуқуқий амалиётнинг аҳволини ва ривожланиш динамикасини характерловчи ташкилот, корхоналар, муассасаларнинг фаолиятига доир ҳужжат ва ахборотларни, шунингдек гуруҳнинг бошқа йўналишлар бўйича фаолиятига оид зарур ҳужжатларни талаб қилиб олади. Шу ҳужжат асосида семинар машғулоти ва йиғилишлар ўтказилади;

- фуқаролар томонидан келиб тушган таклиф, ариза ва шикоятларда кўрсатилган муаммоларни ҳал қилиш учун мутахассисларни жалб қилади;

- шаҳар, туманлар ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари томонидан юқори ваколатли органларнинг ҳуқуқий ислоҳотга, қонунчиликни мустаҳкамлашга, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш бўйича қабул қилган қарорларининг бажарилишини ўрганади;

- гуруҳ фаолиятдан келиб чиқадиган масалаларни ҳал қилишда шаҳар, туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, корхона, ташкилот, муассаса ва жамоат ташкилотлари раҳбарларини таклиф қилади;

- гуруҳ ваколатига кирадиган масалалар юзасидан хўжалик фаоллари, ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар йиғинлари раислари билан суҳбатлар ўтказади;

- гуруҳ ўз иш фаолиятини режа асосида ташкил қилади, ҳокимликнинг тегишли котибиятлари ва гуруҳлари билан ҳамкорликда иш олиб боради, кенгаш сессиясига масалалар тайёрлашда қатнашади. Ишни ташкил қилишнинг асосий формаси гуруҳ мутахассисларининг жойларга чиқиб ҳужжатларни таҳлил қилиш ҳокимлик аҳволини ўрганишдан иборат;

- гуруҳни вилоят ҳокими томонидан тайинланган раҳбар бошқаради, гуруҳ таркибида бош мутахассис фаолият кўрсатади.

4. Гуруҳ ходимларининг вазифалари.

4.1. Гуруҳ раҳбари:

- гуруҳга раҳбарлик қилади, ишларни режалаштириб, вазифаларни тақсимлайди ва мутахассиснинг билим малакасини оширишни ташкил қилади;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иш фаолиятини яхшилашга, такомиллаштиришга доир таклиф ва хулосалар билан Ҳокимга ахборот беради;

- фуқароларни қабул қилади ва гуруҳга тушган ариза ва шикоят хатларни кўриб чиқади;

- ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашида кўриладиган масалаларни тайёрлашда иштирок қилади;

- гуруҳ режалари ва мутахассиснинг шахсий режалари бажарилишини назорат қилади. Гуруҳда ўтказиладиган тадбирларни ташкил қилиш масалаларни ҳал қилади;

- ҳокимликнинг котибиятлари ва гуруҳлари мутахассислари билан ҳамкорликда иш олиб боради;

- ахборот воситалари билан алоқани мустаҳкамлайди;

- вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташкилий ишларини бажаришда уларга ҳар томонлама ёрдам беради;

4.2. Гуруҳ бош мутахассиси:

- ҳокимнинг қабулхонасини бошқаради, фуқароларнинг таклиф ва истакларини, ариза ва шикоятларини кўриб чиқишни ташкил қилади;

- фуқароларнинг вилоят ҳокими, унинг ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари ва котибият мудирлари томонидан қабул қилинишини ташкил қилади;

- қабулга келган фуқароларга уларни қизиқтирган масалалар юзасидан тушунтириш ва керакли маълумотлар беради;

- фуқароларнинг ҳокимликка келган оғзаки маълумотларини ҳамда таклиф истаклари, ариза ва шикоятларини қайд қилиб боради;

- ҳокимликларда, идора ва ташкилотларда фуқароларнинг шикоят ва аризаларининг ҳал қилинишининг қонунийлигини ўрганади;

- амалда қўлланилаётган қарор ва фармойишларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки ўз кучини йўқотган қарор ва фармойишларни бекор қилиш ҳақида таклифлар тайёрлайди;

- вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг гуруҳ ва котибият мутахассисларига амалдаги қонунлар бўйича ҳуқуқий маслаҳат беради ва уларнинг ўз фаолиятларида қонунчиликка риоя қилишини ўрганади;

- халқ депутатлари вилоят Кенгашининг доимий комиссияларига ҳуқуқий ёрдам беради;

- вилоят ҳокими томонидан қонунчилик ва ҳуқуқий-тартиботни мустаҳкамлашга доир тадбирларни ўтказишда иштирок қилади;

- гуруҳ раҳбари томонидан топширилган вазифаларни бажаради.

